

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛОРОМ ТЎЙЧИЕВНА**

**ПИВО ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ**

**02.00.09 –Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фаргона-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хасанова Дилором Тўйчиевна**

Пиво ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва кимёвий таркиби асосида  
синфлаш..... 3

**Хасанова Дилором Тўйчиевна**

Развитие производства пива и классификация на основе химического  
состава ..... 21

**Hasanova Dilorom Tuychiyevna**

Improvement of production and classification of beer based on chemical  
composition..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛОРОМ ТЎЙЧИЕВНА**

**ПИВО ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ**

**02.00.09 –Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фаргона-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2017.3PhD/К70 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Асқаров Иброҳим Раҳмонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Алижон Аминович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Нишонов Миркозимжон**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.К.05.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**В.У.Хўжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д.

**Ш.А.Мамажонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.н., доцент

**И.А.Абдуғофуров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ишлаб чиқарилаётган товарлар учун ҳар бир давлатнинг миллий Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН)да тегишли кодларни қўллаш орқали тўланадиган бож миқдорини аниқ белгилаш ва пировард натижада товар ишлаб чиқариш фаолиятини либераллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, айниқса, йилдан-йилга турли хилдаги табиий алкогольли маҳсулотлар, хусусан, пиво ичимлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиб бораётганлиги улар учун товар кодларини такомиллаштириш, янги товар кодларини ишлаб чиқиш ва сертификатлашни талаб этмоқда. Шунга кўра, пиво ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда, унинг товар ҳолатига тегишли код рақамларини белгилаш ва кимёвий таркиби асосида синфлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон халқаро иқтисодий муносабатларида қўлланадиган Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН)да пиво маҳсулотларига товар кодлари фақат улар сақланадиган идиш ҳажмлари асосида берилди. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда пиво маҳсулотларига фақатгина кадоқланган идиш ҳажмлари асосида код рақамларининг берилиши халқаро товар айирбошлашдаги божлар ва бошқа тўловларни белгилаш самарадорлигини оширишда пивонинг кимёвий таркиби асосида синфлашни белгилаш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса, пиво маҳсулотларининг сифати ва баҳоси кимёвий таркиби асосида турлича бўлишини инobatга олиб, уларни ишлаб чиқариш ва экспорт-импорт қилишда товар кодларини белгилаш ва сертификатлаштиришни тақозо этмоқда. Шунга кўра, пивонинг товар ҳолатини белгиловчи физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, пиво маҳсулотларининг кимёвий таркибига кўра товар кодларини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш жумладан, салқин ичимликлар ишлаб чиқариш сифати ва ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Салқин ичимликлар ишлаб чиқариш учун хом ашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни реализация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбop маҳсулотларни тайёрлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, маҳсулотларни кимёвий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатларстратегияси тўғрисида» ги Фармони.

таркиби бўйича товар кодларини такомиллаштириш, пиво ишлаб чиқариш технологик жараёнларида инновацион усулларни татбиқ этиш, тайёр маҳсулотларни анализ қилишнинг янги ва тезкор усулларини амалиётга жорий этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур муаммо пиво ишлаб чиқариш технологияси, биокимёси АҚШ, Германия, Англия, Чехия, Хитой ва Россия каби қатор мамлакатларда ўрганилган. Дунёнинг турли минтақаларида пиво ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологиялар, қўшимча маҳсулотлар, хмель, арпа, солод, ачиткилар устида илмий изланишлар бажарилган. Ушбу йўналишлар бўйича фундаментал тадқиқотлар Мальцев П.М., Булгаков Н.И., Великая Е.И., Суходил Б.Ф., Фертман Г.И., Голикова Н.В., Калуюнц К.А., Тим О'Рурк ва бошқалар томонидан олиб борилган. Шундай бўлишига қарамай халқаро иқтисодий муносабатларда пивони экспорт-импорт жараёнларида пивонинг товар сифатида кимёвий таркиби инобатга олинмаган.

Ўзбек олимлари ҳам бижғитиш технологиялари устида бир қанча тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар бу борада сезиларли ютуқларга эришган; илмий тадқиқот ишлари амалиётга жорий этилган. Техника фанлари докторлари, профессорлар Абдураззақова С.Х., Абдуллаев У.Қ., Мирзарахметова Д.Т., Сапрекин О.А., Миролимов Р.М., Илясов Т.Т., Арслонбековалар Г.А. лар бу борада диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар.

Мазкур диссертация иши пиво ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва пивонинг кимёвий таркиби асосида синфлаш, пиво рангини аниқлашнинг тезкор колориметрик усулини тавсия этиш ҳамда махсус шифобахш темирга бойитилган пиво навларини ишлаб чиқиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Товарлар кимёси» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пиво ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

пиво турларининг кимёвий таркиби асосида физик-кимёвий кўрсаткичларига таянган ҳолда Халқаро иқтисодий муносабатларда пиво маҳсулотининг янги товар кодларига назарий асослар бериш;

махсус темирга бойитилган пиво нави яратиш;

магнитланган сувдан фойдаланган ҳолда пиво ишлаб чиқариш ;

пиво ранг кўрсаткичини визуал аниқлашнинг янги тезкор колориметрик шкала усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** солод, пиво ачитқиси, хмель, сув, «Андижон-Прага», «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси, «Фарғонапиво» МЧЖ ларида ишлаб чиқарилган пиво маҳсулотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** махсус бойитилган пиво навларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқишда магнитланган сувдан фойдаланиш ва пиволарни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда хажмий анализ, кислота-асосли титрлаш, потенциометрик анализ, колориметрик анализ, кўп босқичли тизимли анализ, тажриба ўтказиш ва ишлаб чиқариш жараёнларидаги кўрсаткичларни аниқлашда тегишли давлат андозалари ва тармоқ техник шартларида келтирилган физик-кимёвий методлар, ИҚ- ва масс-спектроскопия, математик-статистик анализлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пиво турлари учун товар кодларини алкоголь миқдори, ранг берувчи моддалар табиати ва бошқа таркибидаги кимёвий моддаларнинг миқдори асосида белгилаш ишлаб чиқилган;

пиво ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган сувни магнитлаш орқали, солод тайёрлаш жараёнида арпанинг униб чиқиши ва униш энергиясига ва шарбат тайёрлаш жараёнида солодни қандланишига таъсири исботланган;

илк бор шифобахш пиво ишлаб чиқаришда консерватив таъсир этувчи пара-ферроценилфенолнинг натрийли тузини синтез қилиш усули такомиллаштирилган;

пара-ферроценилфенолнинг натрийли тузини тайёр маҳсулотга кўшишни камқонлик касаллиги профилактикаси ҳамда пиво стабиллигини ошишига ижобий таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

солод ишлаб чиқаришдаги арпа унувчанлигини ошириш ва пиво шарбати тайёрлаш самарадорлигини оширишда магнитланган сувдан фойдаланиш усули таклиф этилиб, амалиётга жорий этилган;

тезкор божхона экспертизасини амалга ошириш учун пиво рангини аниқлашнинг янги колориметрик усули ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди;

пиво маҳсулотлари кимёвий таркиби асосида синфлаб, улар учун янги товар код рақамлари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг

ишончилиги ИҚ- ва масс- спектроскопия, классик ва замонавий услублар ҳамда назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тегишли техник шартлар, давлат стандартлари талабларига жавоб бериши, илмий тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинганлиги ҳамда етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, ваколатли давлат органлари фаолиятига жорий этилганлиги, олинган натижаларни статистик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пиво маҳсулотларини экспорт-импорт қилиш жараёнларида кимёвий таркибни инобатга олиш муҳимлигини изоҳлаб берилганлиги, пиво ишлаб чиқариш жараёнида магнитланган сувдан фойдаланиш хом ашё ва энергия сарфи коэффициентига сезиларли ижобий таъсир этишини аниқланганлиги, пара-ферроценілфенолнинг натрийли тузини товарнинг сақланиш муддатини ошишига ижобий таъсир этишини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пиво ранг кўрсаткичини аниқлашнинг ишлаб чиқилган янги тезкор колориметрик усулини сертификатлаш органлари, божхона ва бошқа таҳлил лабораториялар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Пиво ичимлигини кимёвий таркиби асосида синфлаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича оч рангли пиволар учун 2 та: 2203 00010 1, 2203 00010 2; тўқ рангли пиволар учун 2 та: 2203 00010 3, 2203 00010 4 янги товар кодлари Давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 1/16-7-сон маълумотномаси). Натижада кимёвий таркиб асосида пиво маҳсулотларини синфлаш имконини берган;

пиво маҳсулотларини ранг кўрсаткичларини аниқлаш имконини берадиган тезкор колориметрик усули «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш амалиётига жорий этилган («Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг 2018 йил 16 февралдаги 06/192-сон маълумотномаси). Натижада пиво маҳсулотларини тезкор ва сифатли таҳлил қилиш имконини берган;

пиво маҳсулотларининг ранг кўрсаткичини аниқлашда RGB ранг шкаласи Давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 26 февралдаги 1/16-56-сон маълумотномаси). Натижада божхона фаолиятида пиво маҳсулотлари экспертизаси самарадорлигини ошириш ва товар сертификатига мослигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий

анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг кимё фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пиво маҳсулоти ва унинг товар сифатини белгиловчи омиллар**» деб номланган биринчи бобида бу чанқоқбости ичимликнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасидаги товар кодлари, пивонинг тайёр маҳсулот ҳолатини белгиловчи асосий физик-кимёвий кўрсаткичларини ўргандик. Илмий адабиётлар билан танишиш натижасида пиво ичимлигининг кимёвий таркиби ва хусусиятлари, уларни ишлаб чиқариш технологик жараёни, биокимёвий ва микробиологик жараёнлар, пиво маҳсулотлари учун бериладиган сертификатлар ўрганилганлигини таҳлил қилдик. Бироқ адабиётларда Уйғунлашган тизим асосидаги Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича пивони товар кодларини такомиллаштириш ёки пиво маҳсулотларини сертификатлаш жараёнларининг асосий аспектилари ҳамда бу жараёнларда учрайдиган муаммолар ечими келтирилмаган.

Пивони тайёр маҳсулот сифатида сертификатлаш жараёнларида физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари ўрганилади. Лекин Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича код берилмаётган жараёнларда физик-кимёвий кўрсаткичлар келтирилмаган.

Шу сабабли диссертациянинг асосий мақсади сифатида, пиво маҳсулотларининг товар кодларини аниқлаштиришда, сертификатлашда уларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш муҳим эканлигига қаратдик.

Диссертациянинг «**Пиво маҳсулотларининг янги товар кодларини ишлаб чиқиш ва сертификатлаш меъёрий кўрсатмалари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда пиво маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги

муаммолари, пиво ичимлиги турларини сертификатлаш меъёрий кўрсатмалари ва бунда асосий кўрсаткичлардан бири ранг кўрсаткичи эканлиги ҳамда ранг кўрсаткичини аниқлашнинг янги тезкор колориметрик шкала усули моҳияти, оч рангли ва тўқ рангли пиволарни кимёвий таркиби асосида фарқлаш асосий меъзон сифатида олинган ҳолда янги таклиф этилаётган 4 та код рақамларининг кимёвий тавсифлари, пиво ичимлиги учун берилган ушбу ТИФ ТН товар кодларининг такомиллашган дифференциаллашуви ва уларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиши кимёвий жиҳатдан илмий асослаб берилди.

Пиво ишлаб чиқаришда магнитланган сувдан фойдаланишнинг самараси кўрсатилиб, бундай сувдан фойдаланилганда арпанинг унувчанлиги ва униш энергиясининг ортганлиги, шарбат таркибидаги экстрактив моддалар миқдорининг ортиши, асосий таркибнинг қандлашув жараёни тезлашгани кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг «**Пивонинг асосий физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объектлари сифатида олинган «Андижон-Прага» ҚК да ишлаб чиқарилган «Зарафшон», «Шердор» оч рангли пиволари, «Баркамол» тўқ рангли пивоси ҳамда «Фарғонапиво» МЧЖ да ишлаб чиқрилган «Фортуна» ва «Шифобахш Фортуна» пиволарининг техник шартлари, уларни физик-кимёвий таҳлил қилиш борасида пиво таркибидаги спирт ва ҳақиқий экстракт миқдори ҳамда бошланғич қуруқ моддани, пивонинг кислоталилик миқдорини, рангини, СО<sub>2</sub> миқдорини аниқлаш, темирга бойитилган махсус пиво тайёрлаш ва таркибидаги темирни аниқлаш, магнитланган сув тайёрлаш ва унинг арпа унувчанлиги ва униш энергиясига, пиво шарбати тайёрланишига таъсирини ўрганиш юзасидан тажриба методлари келтирилган.

Шунингдек, илмий изланишлар кўп босқичли тизимли таҳлил, тажриба ўтказиш ва ишлаб чиқариш жараёнларидаги кўрсаткичларни аниқлашда тегишли давлат стандартлари (ДСТ-ГОСТ) ва тармоқ техник шартларида (ТТШ-ОСТ, ТШ-ТУ) келтирилган физик-кимёвий методлар фойдаланилганлиги ёритиб ўтилган.

#### *Пиво ичимлиги ТИФ ТН товар кодларининг такомиллашган дифференциаллашуви*

Пиво маҳсулотларига фақат қадоқланган идиш ҳажмлари асосида код рақамларини берилиши товар айрбошлашда божлар ва тўловларнинг белгиланишида иқтисодий хатоликларни келтириб чиқаради. Пиво маҳсулотларини кимёвий таркиби бири иккинчисидан фарқ қилиши сабабли уларнинг сифати ва баҳоси турлича бўлишини инобатга олган ҳолда, халқаро иқтисодий муносабатларда товар кодларини белгилаш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан биридир. 2203 товар позицияси чегарасида янги подсубпозициялар киритиш пивонинг товар кодларини белгилашда УТ талабларига мос равишда тўлиқлик принципини таъминлаш имконини яратади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, пиво учун товар кодларини белгилашда унинг таркибидаги алкоголь миқдори, ранг берувчи моддалар табиати ва миқдорлари асос қилиб олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган оч рангли пиволар учун:

2203 00 010 1, 2203 00 010 2,; тўқ рангли пиволар учун: 2203 00 010 3, 2203 00 010 4, -бошқалар: 2203 00 010 9 товар кодлари ушбу вазифани тўла ҳал этиш имконини бериш билан биргаликда истеъмолчи манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда товар айланмасидаги тегишли ҳужжатлаштиришларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятларини яратади.

### 1-жадвал

#### Пиво учун кимёвий таркиб асосида таклиф этилаётган товар кодлари

22 03 00	Солод пивоси:
22 03 00 0 100	- 10 л ли ва ундан кам ҳажмли идишларда:
2203 00 010 1	- - кам алкогольли оч рангли пиво
2203 00 010 2	- - кучли алкогольли оч рангли пиво
2203 00 010 3	- - кам алкогольли тўқ рангли пиво
2203 00 010 4	- - кучли алкогольли тўқ рангли пиво
2203 00 010 9	- бошқалар
2203 00 100 0	- 10 л дан катта ҳажмли идишларда

2203 00, 2203 00 010 0, 2203 00 090 0, 2203 00 100 0 товар кодлари амалиётда қўлланаётган ТИФ ТН да берилган бўлиб, пиво маҳсулотларини кимёвий таркиби асосида тўлиқ таснифлаш имконини бермайди, биз томонимиздан ушбу товар кодларини дифференциаллаштирилган ҳолда берилаётган янги 2203 00 010 1, 2203 00 010 2, 2203 00 010 3, 2203 00 010 4, товар кодлари бериш товар айланмасидаги тегишли ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлайди.

#### *Халқаро иқтисодий муносабатларда пиво маҳсулотининг янги товар кодларининг қўлланишининг кимёвий жиҳатдан илмий асосланиши*

Пиво маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва реализация, истеъмол ҳажми юк-товар айланмасида тобора ортиб бораётганлигини ҳамда товар кодларини аниқлаштириш зарурати пиво маҳсулотини товар кодларини тадқиқ этиб, божхона декларацияларида аниқ кодлар акс этишини, божхона божлари миқдорини тўғри белгилаш ва пировард натижада Республика иқтисодиётини муҳофазалаш, иқтисодий фойда олиш имкониятини яратиш тадқиқот мақсадини тўлиқ акс эттиради деган хулосага келдик.

Пиволарнинг муҳим кимёвий кўрсаткичлари асосида қуйидагича код таснифи белгиланиши таклиф этилади:

2203 00 010 1 – кам алкогольли оч рангли пиво:

Бошланғич шарбат зичлиги,%	Спиртнинг ҳажмий улуши, %	Ранги, р.б. йод
8,0 – 15	2,5 – 4,8	0,4 – 1,5

2203 00 010 2 – кучли алкоғолли оч рангли пиво:

Бошланғич шарбат зичлиги,%	Спиртнинг ҳажмий улуши, %	Ранги, р.б. йод
16 – 23	4,9 – 9,0	0,4 – 1,5

2203 00 010 3 – кам алкоғолли тўқ рангли пиво:

Бошланғич шарбат зичлиги,%	Спиртнинг ҳажмий улуши, %	Ранги, р.б. йод
13 – 15	3,0 – 5,2	1,6 – 3,0

22 03 00 0104 – кучли алкоғолли тўқ рангли пиво:

Бошланғич шарбат зичлиги,%	Спиртнинг ҳажмий улуши, %	Ранги, р.б. йод
16 – 23	5,3 – 9,0	3,6 юқори

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида пиво маҳсулотининг кимёвий таркиби асосидаги физик-кимёвий кўрсаткичларга таянган ҳолда Халқаро иқтисодий муносабатларда пиво маҳсулотининг қўйидаги янги товар кодларини қўллаш Республикамиз иқтисодий муносабатларини қонуний муҳофазалаш имконини бериши шубҳасиздир.

**2-жадвал**

**Ишлаб чиқилган код рақамларига изоҳлар**

№	Кўрсаткич номи	2203 00 010 1 - кам алкоғолли оч рангли пиво	220300 010 2- кучли алкоғолли оч рангли пиво	2203 00 010 3 – кам алкоғолли тўқ рангли пиво	2203 00 010 4 – кучли алкоғолли тўқ рангли пиво
1	Ҳиди	қўшимча хидларсиз, ўзига хос солод хид	қўшимча хидларсиз, ўзига хос хмель хидли	қўшимча хидларсиз, ўзига хос карамель хидли	қўшимча хидларсиз, ўзига хос кучли карамель хидли

2-жадвал давоми

2	Ташки кўриниши (тиниклиги)	Ўзига хос рангли, чўкма ва бегона кўшимчаларсиз шаффоф суюқлик	Ўзига хос рангли, чўкма ва бегона кўшимчаларсиз шаффоф суюқлик	Ўзига хос рангли, чўкма ва бегона кўшимчаларсиз шаффоф суюқлик	Ўзига хос тўқ рангли, чўкма ва бегона кўшимчаларсиз шаффоф суюқлик
3	Таъми	Ундирилган доннинг хушбўйлиги ва хмель таъми	Ундирилган доннинг хушбўйлиги ва кучли хмель таъми	Куйдирилган солод ва хмель таъми	Карамелли солоднинг ўткир хушбўйлиги ва кучли хмель таъми
4	Кўпик турғунлиги мин.	2	2	2	2
5	Кўпик баландлиги мм.	30	30	30	30
6	Бошланғич шарбат зичлиги	8,0 -15	16 – 23	13 – 15	16 – 23
7	Ранги, мл 0,1 н йод эритмаси /100 мл пиво	0,4 -1,5	0,4-1,5	1,6-3,0	3,6 дан юкори
8	СО <sub>2</sub> нинг масса улуши	0,33	0,33	0,33	0,33
9	Спиртнинг ҳажмий улуши, %дан кам бўлмаслиги керак	2,8-4,8	4,9-9,0	3,0 – 5,2	5,3-9,0
10	Кислоталилиги, мл 0,1 н NaOH /100мл пиво.	0,5-1,0	0,5-1,0	0,5-1,0	0,5-1,0
11	Турғун-лиги, сутка	8	8	8	8
12	Энергетик куввати, 100 г пивода, ккал	30-54	58-85	50-58	62-85
13	Углеводлар, 100 г пивода, г, камида	3,0-3,5	3,0-3,5	3,0-3,5	3,0-3,5

### *Пиво ранг кўрсаткичини визуал аниқлашнинг янги колориметрик шкала усули*

Пиво навларини таснифлаш ва сертификатлашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлган ранг кўрсаткичини аниқлашда анъанавий эталон – йод эритмалари (ГОСТ 12789-87 бўйича ранг кўрсаткичи 0,1 моль/дм<sup>3</sup> ли йод эритмасининг 100 см<sup>3</sup> сувга пиво рангига мос келгунча кўшилган сарфи миқдоридаги шартли бирлик бўлиб, см<sup>3</sup> ларда акс эттирилади) ўрнига биз томонимиздан таклиф этилган колориметрик шкала усулидан фойдаланиш вақт ва реактивни тежаш имконини беради. Бунда пиво навлари ранг кўрсаткичларини қамраб олган ягона ранг бирликларини акс эттирувчи, тайёр қоғоздаги колориметрик шкаладан фойдаланилади.

Колориметрик шкала тайёрлаш учун RGB (red-қизил, green-яшил, blue-кўк) ранглар моделидаги спектрларнинг 0-255 оралиқдаги шартли ранг бирликларининг 0,1 моль/дм<sup>3</sup> ли йод эритмасининг 100 см<sup>3</sup> сувга пиво рангига мос келгунча кўшилган сарфи миқдоридаги йод бирлиги бўйича пивонинг ранг кўрсаткичларига тўғри келувчи қуйидаги шкаласи тайёрланиб, ундан амалиётда пивонинг ранг кўрсаткичини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилди.

Таклиф этилаётган колориметрик шкала усулида 10 та камерали пробирка штативининг бир томонига ранг шкаласи эталони жойлаштирилиб, пробиркаларга пиво намунасида олиб, колориметрик шкаладаги рангга мос келувчи ячейкадаги кўрсаткич аниқланди.

### **3-жадвал**

**Таклиф этилаётган колориметрик шкала**

RGB	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
PK	0,1- 0,5	0,6- 1,5	1,6- 2,0	2,1- 2,5	2,6- 3,0	3,1- 4,0	4,1- 6,0	6,1- 8,0	8,1- 10,0	10,1- 12,0

Оч рангли пиволарга RGB бўйича 1-5 бирликка (пиво рангига мос ранг ҳосил бўлгунча 100 см<sup>3</sup> дистилланган сувга кўшишда сарф бўлган 0,1 моль/дм<sup>3</sup> концентрацияли йод эритмаси миқдори бўйича 0,1-3,0 бирликга) мос келувчи пиволар киради.


Тўқ рангли пиволарга RGB бўйича 6-12 бирликка (пиво рангига мос ранг ҳосил бўлгунча 100 см<sup>3</sup> дистилланган сувга кўшишда сарф бўлган 0,1 моль/дм<sup>3</sup> концентрацияли йод эритмаси миқдори бўйича 3,0-12,0 бирликга) мос келувчи пиволар киради.

Ранг кўрсаткичи пиво навларини сертификатлашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиши шарт.


### *Темирга бойитилган махсус пиво ишлаб чиқариши*

Ферроцен ҳосилаларининг организмда яхши адсорбцияланиши исботланган. *n*-ферроценилфенолнинг ҳосилалари аччиқ таъмли эмас, токсик кўрсаткичи паст ҳисобланади. Ферроцероннинг сувли эритмалари


беқарор, аччиқ таъмли, юқори токсик кўрсаткичли ( $LD_{50} = 60$  мг/кг) бўлиши айнан уни шундай структурага эга бўлиши билан изоҳланади:



Ферроцерон



p-Ферроценилфенол




p-Ферроценилфенолнинг натрийли тузи

Соғлом одам учун ошқозон-ичак тизимида сўриладиган кунлик темир 3-5 мг ни, темир етишмовчилиги оқибатида келиб чиққан камқонлик хасталиклари билан оғриган беморларда 7-10 мг ни ташкил этишини инobatга олиб ҳисобланса, касалликнинг олдини олиш мақсадида бериладиган шифобахш пивонинг кунлик истеъмол миқдори 0,5-1 л бўлганда, ҳар тонна пивога 25 г *p*-ферроценилфеноксинатрий кўшилади.

Профилактик миқдорни кунлик темирга бўлган эҳтиёж 5 мг деб белгиланган. Бу ҳолда препаратнинг пиводаги концентрацияси минор бирикмалар даражасида бўлиб, 0,0025 % ни ташкил этади.

#### *p*-Ферроценилфенол ва унинг нарийли тузи синтези


Адабиётларда *p*-ферроценилфенол синтези келтирилган бўлиб, унда ферроцен эритувчиси сифатида диэтил эфир, этилацетат, метилацетат, этиленгликол диэтил эфири, гексанлардан фойдаланилганлиги келтирилган.



Ушбу реакцияни юқоридаги эритувчиларда олиб борилганда унум 35-38 % дан ортмади. Биз юқоридаги эритувчилар билан биргаликда ацетон ҳамда

хлороформлардан фойдаландик ва хлороформнинг кутбилигининг юқорилиги ҳисобига реакция унуми 45 % гача кўтаришга эришилди.

Пивонинг темирга бой, антианемик хусусиятли турини ишлаб чиқариш учун биз *n*-ферроценилфенолнинг натрийли тузини пивога кўшишни таклиф этамиз. Бу модданининг сувда эрувчан темир тутувчи органик табиатли модда эканлиги, истеъмол даврида металл таъми ва аччиқ таъм бўлмаслиги, сувли эритмаларида барқарорлиги бу мақсад учун энг маъқул модда эканлигини белгилаб берди.



#### 4-жадвал

#### Бойитилган пиво намуналаридаги органолептик кўрсаткичлар

Препарат концентр ацияси	Органолептик кўрсаткичлар				Антианемик хусусияти
	Таъми	ранги	ҳиди	кўпикла- ниши	
0,001	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Кучсиз
0,0025	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Кучли
0,005	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	Кучли

Бошқа кўрсаткичлари бир хил бўлган ҳолда, иктисодий самара жиҳатидан 0,0025 % ли маҳсулотни истеъмолга чиқариш мақсадга мувофиқ.

#### *Магнитланган сув тайёрлаш*

Ишлаб чиқариш шароитида, доимий магнитлар билан биргаликда электромагнит ускунадан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун махсус пўлат пластинкали ўзакка 0,1 мм қалинликдаги мис сими ўралиб, ускуна тайёрланади. Электромагнит сув трубасини ўраб турадиган ҳолатда ўрнатилади. Сувнинг труба орқали ўтиш тезлиги 0,3-0,5 м/с ни ташкил қилади.

Магнитланган сувнинг барча органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ичимлик сувига кўйилган техник шарт меъёрларига мослиги 5-жадвалда келтирилган миқдорда эканлиги аниқланди.

#### 5-жадвал

#### Магнитланган сувнинг муҳим кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1	рН кўрсаткичи	6,0-8,0
2	Темир, мг/л	0,3
3	Сувнинг умумий қаттиқлиги, мг/эквл	6

## 5-жадвал давоми

4	Марганец, мг/л	0,1
5	Мис, мг/л	0,1
6	Сульфатлар	400
7	Хлоридлар, мг/л	300
8	Қуруқ қолдик, мг/л	900
9	Рух, мг/л	4,0

### *Пиво ишлаб чиқаришда магнитланган сувдан фойдаланиш*

Пиво ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган сувга тоза кимёвий модда сифатида эмас, маълум органик ва физик-кимёвий кўрсаткичларга эга бўлган мураккаб комплекс сифатида қараш лозим.

Пиво ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган сув магнит майдонидан ўтказилса, сув таркибидаги ионларни ўзгариши эвазига пивонинг сифати ҳам ижобий маънода ўзгариши аниқланди.

Магнит майдони сувдаги бактерияларни йўқотиш билан бирга, сув молекулалари орасидаги водород боғланишларига таъсир кўрсатиб, сув молекулаларидан ташкил топган сув кластерларининг тузилишини ўзгартиради. Бу ўзгаришлар магнитланган сувли муҳитдаги биологик жараёнларни тезлаштиради ва натижада биостимуляторлик хусусиятига эга бўлиб қолади. Шунинг учун магнитланган сувдан солод тайёрлаш жараёнида арпани ундиришда ва тўғридан-тўғри шарбат тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бундай қайта ишланган сув арпани униши ҳамда шарбат тайёрлаш жараёнидаги ферментатив фаолликни оширади.

Лаборатория шароитида арпанинг униб чиқиш тезлиги ва унувчанлигига магнитланган сувнинг таъсири ўрганилди. Натижада униб чиқиш энергияси 2% га, унувчанлик 3-4 % га ортди. Қуйидаги 6-жадвалда завод лабораториясида текширилган натижалар келтирилди:

## 6-жадвал

### Магнитланган сувдаги арпа доннинг унувчанлиги

<b>500 дона арпа дони намуналари</b>	<b>Униш энергияси (3-сутка),%</b>	<b>Унувчанлиги (5-сутка),%</b>
Магнитланган сувда ивитилган арпа дони (дона)	468 (93,6 ± 0,02)	488 (96,6 ± 0,02)
Оддий сувда ивитилган арпа дони (дона)	455 (91,0 ± 0,02)	464 (92,0 ± 0,02)

Шунингдек, лаборатория шароитида тайёрланган пиво шарбатини тайёрлашда магнитланган сувдан фойдаланилди. Натижа шуни кўрсатдики, икки параллел бир хил солодлардан тайёрланган пиво шарбатининг биринчи намунасида қандланиш тезлиги 3-4 дақиқага тезлашди ва экстрактив моддалар миқдори иккинчи намунага нисбатан 2-3% га ортди. Экстракт солодни умумий оғирлигини шакарли % (сахароза) қисмидир. Қуруқ моддага

нисбатан экстрактивлик натижалари қуйидаги 7-жадвалда келтирилди:

**7-жадвал**

**Магнитланган сувни пиво шарбатига таъсири**

Намуналар	Экстрактив моддалар миқдори, %	Қандланиш тезлиги, мин.
Магнитланган сувдан тайёрланган пиво шарбат	74 ± 0,2	18,5 ± 1,5
Оддий сувдан тайёрланган пиво шарбати	71 ± 0,2	21,5 ± 1,5

Юқоридаги тажрибаларга асосланиб, солод ундириш ва шарбат тайёрлаш цехларида магнит майдондан ўтказилган сувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, шунингдек, бундай доимий магнит майдонидан ўтказилган сув ҳеч қандай моддий қийинчилик туғдирмайди. Ишлаб чиқаришга тайёрланадиган сув чанларига магнит пластинкалари жойланиб, сув шу пластинкалар орқали ишлаб чиқарилади.

*Иқтисодий самарадорлик*

Тадқиқотларимиз натижасида таснифланган тўрт хил навдаги пиво амалдаги ТИФ ТН да 1 та (220300100) код рақами берилган. Бунда тўқ рангли кўп алкоғолли пиво четдан келтирилган (таннархи қиммат) бўлса, кам алкоғолли оч рангли (таннархи нисбатан арзон) пиво сифатида кодланиб ички бозорга кириб келмоқда ва давлат божи нотўғри расмийлаштирилишига сабаб бўлмоқда. Оч ва тўқ рангли, кам алкоғолли ва кучли алкоғолли пиволарнинг код рақамларини битта бўлганлиги эса ноқонуний товар айланмасига сабаб бўлади, пировард натижада кам бож тўлашга олиб келади.

Ушбу кодлар асосида пивога товар сифатида қуйидагича божлар ундирилади (сўмда) ва ички бозор нархи қуйидагича белгиланади:

**8-жадвал**

**Кимёвий таркиб асосида таклиф этилаётган кодлар бўйича бож ва бошқа тўловлар**

Код	Нархи	Акциз (50%)	ҚҚС (20%)	Ички бозор нархи(сўм)
2203 00 010 1	3500	1750	700	5950
2203 00 010 2	4000	2000	800	6800
2203 00 010 3	5000	2500	1000	8500
2203 00 010 4	5500	2750	1100	9350

Жадвалдан кўришиб турибдики, кимёвий таркиби бўйича синфланган товарга турлича 800 дан 3300 сўмгача ундириладиган бож, акциз ва бошқа йиғимлар фарқ қилади. Республика ҳудудига бир йилда кириб келаётган пиволарга нисбатан ҳисобланганда эса бу қиймат сезиларли даражадаги катта эканлигини кўриш мумкин.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган товар кодларига юқоридагидек бож тўланса, минглаб тонна импорт бўлиб кираётган пиволардан бож тўғри ундирилади.

1. Ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув магнит майдон орқали ўтказилганда шарбат тайёрлаш цехидаги қандланиш миқдорини 2 % га ортиши сезиларли даражада тайёр маҳсулот унумига таъсир қилади.

Магнитланган сувдан фойдаланилган ҳолда шарбат тайёрланса, қандланиш жараёнида экстракт унумини 2% га ортиши солод таркибидаги экстрактни деярли тўлиқ шарбатга ўтишини таъминлайди.

1 л пивонинг ишлаб чиқарувчи нархи ўртача 2500 сўм деб белгиланса, бу қиймат қўшимча олинган 482 литр тайёр маҳсулот учун  $482 \cdot 2500 = 1\,205\,000$  сўм фойда олиниши маълум бўлади.

Бу магнитланган сувдан фойдаланганда ҳар бир шарбат тайёрлаш жараёнидаги олинган фойда эканлигини ҳисобга олсак, бир йилда ўртача корхона қуввати камида 50 марта шарбат тайёрлашни амалга оширса, магнитланган сув ёрдамида экстрактивликни ошириш ҳисобига 60 250 000 сўм соф фойда кўриши аниқланди.

2. Тезкор усулда пиво ранг кўрсаткичини колориметрик метод орқали аниқлаш турли эритмаларни ва айниқса вақтни иқтисод қилади. Тавсия этилаётган методнинг стандарт усулдан фарқи маҳсулотнинг ранги тайёр ранг шкаласига солиштирилади ва баҳо берилади. Стандарт модда талаб этиладиган спектрофотометр-колориметр, кимёвий реактивлар ва идишларсиз маҳсулотнинг ранги баҳоланади, экспресс усулда синовни қисқа муддатда амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, реактив ва идишлар транспортировкасини йўқ қилиб, усул қулайлиги билан иқтисодий томондан арзон ҳисобланади. Бу усулдан фойдаланиш учун кўп вақт талаб қилмаслиги, ранг кўрсаткичини аниқлаш учун тавсия этиладиган пиво рангини йод эритмасига нисбатан таққослаш деб номланган ГОСТ 12889-87 бўйича талаб этилган дистилланган сув, йод эритмаси, стаканлар, компаратор, ўлчов колбаларига, кимёвий реактивларга сарф бўладиган маблағ иқтисод қилинади. Шунингдек, одам/соат кўрсаткичи ҳам яхшиланиб, лаборантнинг анализ учун сарф қиладиган вақти ҳам иқтисод қилинади.

Натижада пиво рангини аниқлашнинг ГОСТ 12889 – 87 бўйича керакли кимёвий асбоб ва реактивларга сарф бўладиган 2 500 000 сўм маблағ иқтисод қилинади.

## ХУЛОСАЛАР

«Пиво ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва кимёвий таркиби асосида синфлаш» мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Пиво маҳсулотининг товар ҳолатини белгиловчи органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар (ташқи кўриниши, ҳиди, таъми, кўпик турғунлиги, кўпик баландлиги, ранги, тиниқлиги, кислота сони, ранг кўрсаткичи ва турғунлиги, спирт миқдори, ҳақиқий экстракт миқдори, CO<sub>2</sub> нинг масса улуши, рН кўрсаткичи) ҳамда уларни аниқлаш усуллари таҳлил қилиниб, пиво маҳсулотларининг товар кодларини белгилашда улардан

фойдаланиш меъзонлари кўрсатилди ва тавсия этилди.

2. Пиво маҳсулотларининг амалдаги товар кодларини аниқлашдаги камчиликларни бартараф этиш муаммоси конкрет мисоллар асосида ушбу муаммони ҳал этишга янги товар кодлари киритиш орқали эришиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланди.

3. Янги товар кодларини ишлаб чиқишда пиво маҳсулотларининг кимёвий таркиби асосида, кам алкоғолли, кучли алкоғолли, оч рангли ва тўқ рангли пиволар учун янги кодлар таклиф этилди.

4. Оч рангли пиволар учун: 2203 00 010 1, 2203 00 010 2; тўқ рангли пиволар учун: 2203 00 010 3, 2203 00 010 4 янги товар кодлари таклиф этилиб, улар учун кимёвий таркиб асосида изоҳлар берилди.

5. Пиво маҳсулотларига тегишли сертификатлар бериш жараёнида кимёвий реактивлар сарф-ҳаражатини камайтириш, аниқлаш вақтини тежаш имконини берувчи янги колориметрик шкала эталони ишлаб чиқилди ҳамда сертификатлаш органларига амалиётда қўллаш учун тавсия қилинди.

6. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш учун ва янги код рақами ҳамда, Ўзстандарт агентлиги учун пивонинг ранг кўрсаткичини аниқлашни тезкор усули ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

7. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, пиво маҳсулотининг кимёвий таркиби асосида таклиф этилган, янги товар код рақамлари халқаро товар айирбошлашда амалиётга киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасига Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар Номенклатурасига ўзгартиришлар киритиш учун тавсиялар берилди.

8. Озуқавий қўшилма сифатидаги *n*-ферроценилфенолнинг натрийли тузи иштирокида янги «Шифобахш-Фортуна» пиво маҳсулоти тайёрланди ҳамда *n*-ферроценилфенолнинг натрийли тузининг пиво маҳсулотининг барқарорлигини ошириши, стабилизатор хусусиятига эгаллиги исботланди.

9. Пиво ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган сувни магнит майдони билан қайта ишлаш орқали арпанинг униб чиқиш кўрсаткичи ва шарбат тайёрлашда қандланишнинг ортиши аниқланди. Натижада бундай сувдан фойдаланилганда унувчанлик 5 соатга тезлашиши, униш энергияси 3-4% га ортиши, қандланиш тезлиги ва экстрактив моддалар миқдори 2-4 % фоизга ошганлиги аниқланди. Шунинг учун пиво ишлаб чиқариш жараёнида магнитланган сувдан фойдаланиш таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАСАНОВА ДИЛОРМ ТУЙЧИЕВНА**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОИЗВОДСТВА И КЛАССИФИКАЦИЯ  
ПИВА НА ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА**

**02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3PhD/К70**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Аскарлов Иброхим Рахмонович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ибрагимов Алижон Аминович**  
доктор химических наук, профессор

**Нишонев Миркозимжон**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов. на заседании Научного Совета PhD.27.06.2017.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан: “\_\_\_\_\_” 2018 года.  
(№ реестра протокола рассылки \_\_\_\_\_ от “\_\_\_\_\_” 2018 года.)

**В.У.Хужаев**

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

**Ш.А.Мамажонов**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.пед.н., доцент

**И.А.Абдугофуров**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе в национальной Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД) каждой страны, применяя на пивную продукцию соответствующие товарные коды, большое внимание уделяется точному определению таможенных платежей и в конечном итоге либерализации товаропроизводительной деятельности. В этом плане, быстрое увеличение объемов производства природной прохладительной продукции, особенно пива, требует усовершенствования имеющихся, разработки новых товарных кодов и сертификации. Исходя из этого, при расширении производства пива, определение соответствующих кодов для них и классификация на основе химического состава имеет одним из важных значений.

В мировом масштабе, в применяемой Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД) на пивную продукцию присваивают товарные коды только на основе объема фасованной емкости. Нужно отметить, что присвоение товарных кодов пивной продукции на основе объемов расфасованной посуды указывает на важность классификации пивной продукции на основе химического состава при увеличении эффективности определения таможенных и других платежей в международном товарообороте. Исходя из этого, в зависимости от химического состава пивной продукции качество и стоимость пива различны, что требует определения товарных кодов и сертификации при производстве пива и экспортно-импортной деятельности. Поэтому, определение физико-химических показателей, от которых зависит товарное состояние пива, усовершенствование товарных кодов пива на основе химического состава и применение этих кодов на практике имеет научно-практическое значение.

В настоящее время на развитие пищевой промышленности, в том числе на качество и объемы производства прохладительных напитков уделяется особое внимание. В этом плане, в частности, в области создания и развития сырьевой базы производства прохладительных напитков, реализации качественной и конкурентоспособной продукции, увеличения экспортного потенциала, а также привлечения иностранных инвестиций в отрасль, осуществлены весомые работы. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указаны задачи «...по развитию отраслей производства, модернизации и диверсификации промышленности, применению ресурсо- и энергосберегающих методов, обеспечению пищевой безопасности продукции, производству конкурентоспособной и экспортной продукции для импортозамещения...». Исходя из этих задач, в частности, усовершенствование товарных кодов продукции на основе химического состава, применение в процессе производства инновационных методов, применение в практику новых и экспрессивных методов анализа готовой продукции имеет научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

Узбекистан УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2884 «О мерах совершенствования структуры руководства АО Узкимёсаноат» от 12 апреля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** По проблеме изучения технологии производства и биохимии пива в ряде стран мира проводятся исследования, в числе которых США, Германия, Великобритания, Польша, КНР, Россия и др. В разных странах мира проведены научные исследования по изучению технологий, побочных продуктов, хмели, ячменя, солода и дрожжей, используемых в производстве пива. Фундаментальные работы по этому направлению выполнены П.М.Мальцевым, Н.И.Булгаковым, Е.И.Великой, Б.Ф.Суходилом, Г.И.Фертманом, М.А.Чукмасовой, К.А.Калуянц, Тим О`Рурком и другими исследователями. Несмотря на это, в экспортно-импортных процессах внешнеэкономических отношений химический состав пива как товара не принят во внимание.

